

Олимни йиғлатган болакай



16:30 / 26.04.2019 3389

Покистонлик бир фазилатли олим Пайғамбаримиз соллаллаҳу алайҳи васалламни зиёрат қилиш учун Мадинаи Мунавварага келибди. Бир кун ташқарига чиқиб, нон ушоқлари билан Мадина қушларини боқаётган пайтида бир болага кўзи тушибди, шўрлик бола ўша нон ушоқларини териб еяётган эди. Олимни юрак бағри эзилиб, болага раҳми келибди. Болани олдига чақириб, қорнини тўйдирганидан сўнг унинг кимлигини сўрабди. Бола отасининг йўқлиги, оиласи эса катта эканлиги, онасининг уларни боқишга қурби етмаётганини айтибди. Шунинг учун бола ўзини ўзи боқишга мажбур экан.

Шунда олим одам болага ҳар кун унинг олдига келиб қорни тўйгунча овқатланиб кетишини тайинлабди. Шундай қилиб, олимнинг болага меҳри тушиб қолибди ва бир куни болага қарата: «Мен билан бирга Покистонга юр, у ерда йўқчиликни кўрмайсан, яна мен сенга илм ўргатаман», – дебди. Бола хурсанд бўлибди, лекин у олимга онасидан рухсат олиши кераклигини айтибди. Улар бирга боланинг онаси олдига боришибди. Она ҳаёт машаққатларидан жуда чарчаган, фаромуш ҳолда ўтирарди. Олимнинг таклифини эшитиб қалби ёришибди. Фарзандининг кўча-кўйда дайдиб юрмаслиги, уст-боши бутун бўлиши, шунингдек, дин илмини ўқиб олим бўлиши уни бағоят шод қилганди. Олим юртига қайтишидан олдин бола унинг ёнига келиб шундай дебди:

– Покистонда ўйинчоқлар борми?

- Ҳа, бор.

- У ерда болалар ўйнаши учун майдонча борми?

- Ҳа, бор.

- У ерда янги кийимлар кияманми?

- Ҳа, мен сенга энг яхши кийимларни олиб беришга ҳаракат қиламан. Бола хурсанд бўлиб ўйига қайтди. Бир қанча вақт ўтиб бола яна олимнинг олдига келиб сўрабди:

- У ерда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидларининг зангори гумбазлари борми?

- Йўқ, бизда бу йўқ, шунинг учун ҳам мен Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни зиёрат қилиш учун Мадинага келдим-да!

Бола жим қолибди, бир муддат ўйга толибди ва шундай дебди:

- Мен ўйинчоқсиз, кийимсиз, уйсиз яшай оламан, лекин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидларининг зангори гумбазисиз яшай олмайман, қалбим истаган пайтда борадиган Набий алайҳиссаломнинг масжидларисиз яшай олмайман. Мени авф этинг, мен сиз билан Покистонга боролмайман.

Боланинг бу гапларидан таъсирланган олим ҳўнг-ҳўнг йиғлабди, зеро унинг болага айтар гапи қолмаган эди. Чунки унинг болага Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг равзалари эвазига берадиган ҳеч вақоси йўқ эди.

Анвар Абдуллоҳ тайёрлади